



ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 205 (11.516)


Баҳоси эркин нарҳда

Илғор технологиялар — давр талаби

ЯНГИ КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

2200
2009
ТОШКЕНТ



«Asl Oyna» бир кеча-кундузда 150 тонна хом ашёни қайта ишлаб, тиник, бежирим ва юқори сифатли шишадан 124,6 миллион дона турли сифимдаги қадоқлаш идишларини тайёрлайди.

Кунга кеча пойтахтимизнинг Сергели туманида Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида мамлакатимизда мева-сабзавот, узумни қайта ишлаш, озиқ-овқат ва ёғ-мой саноати ривожини юқори босқичга кўтариш, жаҳон бозорида маҳсулотларимиз рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қиладиган «Asl Oyna» очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги корхона қурилиши ишга туширилди. Ушбу замонавий корхона Ўзбекистон Республикаси «Ўзвиробсаноатхолдинг» компанияси ва «Меҳнат» агрофирмаси томонидан

Тошкент шаҳри ва Сергели тумани ҳокимликлари кўмағида бунёд этилди. Корхонанинг очилиш маросимида сўз олганлар бутун дунёда глобал муаммо бўлиб турган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида республикамизда бундай замонавий корхоналарнинг иш бошлаши албатта узоқни кўзлаб аввалдан белгиланган вазифаларнинг изчил татбиқ этиб келинаётгани, қолаверса, Инқирозга қарши чоралар дастурининг юксак самараси эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Ушбу корхонада халқаро сифат та-

лабларига тўла жавоб берадиган турфа хил дизайн ва сифимдаги рангли ва рангсиз қадоқлаш идишлари Германиянинг «HEYE INTERNATIONAL GmbH» компанияси томонидан ўрнатилган юқори технологик ускуналар ва мамлакатимизда ягона ҳисобланган энг такомиллашган шиша пишириш қозонида тайёрланади. — Юртингизда чет эллик ҳамкорлар учун яратилган муносиб шарт-шароитлар тўғрисида замонавий технологик ускуналарни қисқа фурсатларда ўрнатиб, ишга туширдик, — дейди

«Heye international GmbH» компаниясининг бош муҳандиси, лойиҳа менежери Рольф Поммернинг. — Эътиборлиси — бу ерда шиша идишлар саноатини ривожлантириш учун кум, доломит, оҳак ва кальций содаси кўп экан. Уйлайманки, келажакда Ўзбекистон ўзининг қадоқлаш идишлари билан ҳам жаҳон бозоридан ўрнини топади. Корхона фаолияти билан яқиндан танишар эканмиз, «Асл ойна» ОАЖ ходимлар бўлими бошлиғи Шоира Сағатова бизга корхонада 190 та иш ўрни яратилгани, ёш мутахасссларнинг 20 нафари Германиядаги замонавий шиша заводига малакасини ошириб қайтгани, корхонада ишчи-хизматчилар учун барча шарт-шароитлар яратилганлиги ҳақида маълумот бериб ўтди.

— Республикаимизда ишлаб чиқарилган шиша идишлар билан ички бозорни таъминлашдан ташқари, уларни экспорт қилиш имкониятлари ҳам яратилди, — дейди «Меҳнат» агрофирмаси бош директори Ориф Исмоилов. — Шунингдек, ушбу заводнинг ишга туширилиши тизимдаги корхоналарга ҳам хизмат қиладди. Эндиликда шиша идишларни хориждан сотиб олишга ҳолат қолмайди. Корхонада технологик жараёнлар тўлиқ автоматлаштирилган. Замонавий ускуналар иш унумдорлигининг юқорилиги, айна пайтда кам харжлиги билан ажралиб туради. Яқин келажакда корхонада фармацевтика ва ёғ-мой саноатида фойдаланиладиган шиша идишлар ҳам ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилади.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: «Асл ойна» ОАЖ фаолиятдан лавҳалар.
Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА



Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида» қонуннинг 21-моддасига мувофиқ сиёсий партияларнинг 2009 йил 27 декабрда бўлиб ўтадиган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишига доир ариза ва бошқа ҳужжатларини кўриб чиқди.

Марказий сайлов комиссияси аризалар тушиши тартибига кўра, 2009 йил 17 октябрда қабул қилинган 426 ва 427-қарорларига биноан Ўзбекистон Халқ-демократик партияси ва Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг, 2009 йил 18 октябрдаги 428 ва 429-қарорларига мувофиқ Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда қатнашишига ижозат берди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиши тўғрисидаги қарорини маълумот учун қабул қилди.

(ЎЗА)

«Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганга йигирма йил тўлди.

Тил ҳар бир миллатнинг ўзига хос белгиси, улкан ва бетакрор тилмоқда. Интернет тармоғида ўзбек тилидаги сайтларнинг то бойлиги.

Маълумотларга кўра, Ер юзиде беш мингга яқин тил ва лаҳжа бор. Ҳар бирида йигирма миллиондан ортиқ одам гаплашадиган тилларнинг умумий сони эса қирққа бормаёиди.

Яна бир қизиқарли рақам: Ер юзиде минглаб тил ва лаҳжалар мавжуд бўлгани ҳолда атиги юзга яқин тил давлат тили мақомига эга. Демак, биз ҳам она тилимиз билан фахрланишга ҳақлиммиз. Ўзбек тилида мамлакатимиздан ташқарида ҳам миллионлаб кишилар сўзлашади. Турли мамлакатларда ўзбек тилида китоблар, газета ва журналлар нашр этилади.

Айни пайтда дунёнинг кўплаб мамлакатларида, олий ўқув юртиларида ўзбек тили ва адабиёти алоҳида фан сифатида ўрга-

тилмоқда. Интернет тармоғида ўзбек тилидаги сайтларнинг то бойлиги.

21 октябрь — «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинган кун

МИЛЛАТНИНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИ

бора кўпайиб бораётгани тилимизнинг халқроқ миқёсдаги макоеи ошиб бораётганидан далолатдир. Дунёнинг исталган нуқта-сида интернет тизимидаги ўзбекча веб-сайтлардан фойдаланиш мумкин.

Улуғ аждодларимиз ҳам тилимиз равнақи, унинг кадр-қиммати учун доимо курашганлар, бу йўлда буюк ишларни амалга оширганлар. Лутфий, Саққокий, Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Бобораҳим

Машраб сингари буюк сўз санъаткорлари тилимизда гўзал ва бетакрор назм дурдоналарини яратиб, унинг умрбоқийлигини таъминлаб кетганлар.

Ҳазал мулкнинг султони ҳазрат Алишер Навоий «Лисон ут-тайр» дostonида битганларки:

Турк назмида чу мен тортиб қалам, Айладим ул мамлакатни яққалам.

Дарҳақиқат, улуғ бобомиз ўзбек тилида нодир асарлар яратиб, бутун элни ягона тил, ягона қалам остида бирлаштира олган эдилар. Ул зот «Муғомадат ул-луғатайн» асариде тилимизнинг нақадар бой ва серқирра, нафис ва сержило эканлигини, ҳеч бир тилдан кам эмаслигини исботлаб берганлар.

Ҳали истибодот кишанлари парчаланмаган бир пайтда — 1989 йилда Юртбошимиз ташаббуси билан ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши катта жасорат, халқимизнинг маънавий ҳаётидаги муҳим воқеа эди. (Давоми 2-бетда).

XXI сadosи

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Темурийлар тарихи Давлат музейида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг «Миллий тил яшаса — миллат яшайди» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.
- Бугун Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ» павильонларида Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси иш бошлады. Бу галги ярмарка ва биржа учинчи марта ўтказилаётган бўлиб, форумда иштирок этиш учун дунёнинг 50дан ортиқ давлатидан 600дан зиёд хорижий фирма ва компания вакиллари ташириб буюрди. Улар Ўзбекистонда тайёрланган маҳсулотларни хорижга етказиб бериш бўйича шартномалар тузишади.
- Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммоларига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди.
- Самарқанддаги «Булунғурнинг меваси» Ўзбекистон — Бирлашган Араб Амириклари қўшма корхонаси қайта ишланаётган янги мавсум ҳосилини Россия, Украина, Германия ва Бельгияга экспорт қилишни бошлаб юборди. Ҳозиргача 450 минг АҚШ долларлик маҳсулот хорижлик истеъмолчиларга етказиб берилди.
- Фарғона шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Уржуза» кўз касалликлари клиникасининг яна бир филиали — «Оптиманур» клиникаси Кўкчилик шаҳрининг Чархий мавзусида иш бошлади. Шифо маскани Швейцариянинг лазер аппарати ҳамда Австрия ҳамда Германияда ишлаб чиқарилган ускуналар билан жиҳозланган.
- Самарқандда «Маҳалла» жамғармаси ҳамда ҳамкор ташкилотлар кўмағида «Сен — маънавият бешигисан, азиз маҳалла» шиори остида ўтказилаётган «Ўз маҳалламиз тарихини ўрганимиз» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Кўрик қатнашчилари ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқ ва ваколатлари, қонунлар ва бошқа норматив актлар тўғрисидаги билимларини намоиш этдилар.

ЖАҲОНДА

- Украинада президентлик сайловига номзодларни кўрсатиш жараёни бошланди.
- Россия Федерацияси Президенти Д.Медведев Сербияга расмий таширифи чоғида ушбу мамлакат Президенти Б.Тадич билан «Жанубий оқим» лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш ва газ сақланадиган иншоотларнинг қурилиши юзасидан музокара олиб боради.
- Франция ҳукумати Гвинеяда вазият беқарорлашадигани боис бу ерда инсонпарварлик масалалари бўйича хизмат вазирига ўтаётган французларга юқоридаги мамлакатдан чиқиб кетишларини ва Францияга қайтишларини тавсия этди. Айтиш керакки, Гвинеяда ҳозирда 2,5 минг нафар француз бор.
- АҚШнинг махсус хизматлари томонидан Ой юзасини ўрганган олим Исроилга жосусликда гумон билан қўлга олинди.
- АҚШда А/Н1Н1 гриппига чалинган дастлабки киши қайд этилди.
- Покистон ҳарбийлари Жанубий Вазиристон музофотида бошланган кенг қўламли махсус операция давомида «Толибон» ҳаракатининг 60 та жангарисини йўқ қилганликларини билдирдилар. Ҳозирда Покистон армияси Вазиристонда барча кириш ва чиқиш жойларини беркитиб қўйган.
- Кеча жаҳоннинг етакчи биржаларида ўтказилган сайловлар чоғида нефть нархининг сезиларли даражада ошганлиги кузатилди.
- Европа Иттифоқи ўз электрон кутубхонасини тармоққа киритмоқда. Ушбу кутубхона тўпламларидан ЕИ томонидан 1952 йилдан бошлаб то бугунги кунгача тайёрланган маъруза ва ҳужжатлар ўрин олган. Тармоқ кутубхонаси файлларига кириш бепулдир. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 2,5 миллион еврога яқин маблағ сарфланди.
- Европага хуруж қилган совуқ циклон шиддатли қор бўрони аралаш кучли шамолни бошлаб келди. Табиатнинг ушбу инжиқликлари тўғрисида Чехияда электр узатиш тармоқлари издан чиққани боис 100 мингдан ортиқ аҳоли электр қувватисиз қолди. Польшада ҳам худди шундай вазият юзага келган бўлиб, барча авиақатновлар тўхтади.

ҚИСҚА САТРЛАРДА


Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **РЕСПУБЛИКА** Молия вазирлиғи, БМТнинг Тараққиёт Дастури ҳамкорликларида шаҳримизда молия соҳаси мутахассслари, иқтисодчилар иштирокида уюштирилган семинар солиқ тизимини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари масаласига бағишланди.

✓ **ТОШКЕНТ** шаҳар ҳўжалик судида ҳуқуқшунослар иштирокида банкротликка оид ишларни кўриб чиқиш масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Авиасозлар маданият саройида Ҳамза туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида «Замондош», «Тенгдош», Ҳамза номи маданият уйлари бадий ҳаваскорлик жамоалари иштирокида уюштирилган маънавий-маърифий тадбир «Ҳосил байрами» деб номланди.

✓ **МИРОБОД** туманидаги Фафур Фулом номи маданият уйида Баротхўжа маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорлигида ички ишлар хизмати ходимлари ва ёшлар иштирокида «Сиз қонунни биласизми?» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.



Иқтисодиёт

РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР

Юртимизда қад ростлаётган кўркам бино ва иншоотларга алоҳида файз бағишлаётган бунёдкорликда кенг қўлланилаётган замонавий қурилиш ва пардозлаш ашёлари алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бундай маҳсулотларнинг ўзимизда ишлаб чиқарилиб, қурилиш майдонларига етказиб берилётгани айниқса иш бажарувчиларга қўл келмоқда.

Шахримизда фаолият юритаётган корхоналар орасида «DESK INVEST» Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонаси ўз ўрнини топаётган бўлиб, унинг цехларида илғор технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган ашёлар хориждан келтирилмайдиган худди шундай маҳсулотлар билан бемалол рақобатлашади.

Мазкур корхонада ўрнатилган Финляндия давлатининг автоматлаштирилган технологик линиясида немис технологияси бўйича металл черепица ҳамда профилланган тунука томёқичлар ишлаб чиқарилмоқда, ушбу маҳсулотлар бугунги кун талабига тўла жавоб беради. Корхонадаги технологик линиялар компьютер орқали бошқарилиб, бир йўла икки линияда 2 хил маҳсулот 12 хил рангда тайёрланади ҳамда

улар 50 йиллик кафолат муддатига эга.

Қурувчиларга маҳсулотларни тез ва сифатли тайёрлаб етказиб бераётган жамоа ахли асосан давлат буюртмаларини амалга оширади. Асосий буюртмачилар эса юртимиздаги қурилиш ташкилотларидан иборат бўлиб, ушбу маҳсулотлар учун сифатли хом ашё ҳамкорликлари тобора мустақамланиб бораётган Жанубий Корея ва Россия давлатларидан келтирилмоқда.

40 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган корхона аҳлига унумли ишлашлари ҳамда дам олишлари учун яратилган шароитлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Уларнинг ижтимоий ҳимоясига ҳам катта эътибор қаратилаётган. Шу тўғрисида раёон раҳбарлари ийўлида дадил одим-

лаётган «DESK INVEST»чилар янги режаларни мақсад қилишган.

Келгусида маҳсулотнинг харидориги турларини кўпайтириб, «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиқли рақобатбардош товарларни хорижга экспорт қилиниши кўзланган. Жумладан, ҳозирда қурилиш ашёларига аксессуарларнинг замонавий турларини яратиш мақсадида Европа давлатларидан янги технологик линиялар келтириш устида иш кетмоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТДА: корхонада малакали мутахассисларнинг маҳорати билан тайёрланаётган қурилиш маҳсулотлари рақобатбардошлиги билан импорт ўрнини босади. Ҳақимжон Солиҳов олган сурат

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўтган давр мобайнида жойларда мазкур тарихий қонун ижроси юзасидан улкан ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Бу борадаги ишларни исталганча таҳлил этиш, қўлаб мисоллар келтириш мумкин.

Дарҳақиқат, расмий идораларда иш асосан давлат тилида юритилмоқда. Давлат ҳокимияти, маҳаллий ҳокимликлар ва бошқарув органларининг ҳужжатлари давлат тилида қабул қилинмоқда. Айни вақтда мамлакатимиз худудида яшовчи миллат ва элатларнинг тилларига иззат-ҳурмат билан муносабатда бўлиш таъминланмоқда, уларни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилмоқда.

Давлат тилига эътибор, унинг мавқеи нафақат меъёрий ҳужжатларда, расмий идораларда, балки кўча-кўйдаги битиклар, лавҳалар, турли эълонларда ҳам яққол кўзга ташланади. Эътибор қилганмисиз, кўча-

МИЛЛАТНИНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИ

қўйларда, транспорт воситаларида, айниқса, метро вагонлари, симёғоч ва махсус устунлардан жой олган эълонлар орасида ўзбекчасини камдан-кам учрата-сиз. Борлари ҳам гализ, тушунарсиз. Буни қандай изоҳлаш мумкин?

«Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг 20-моддасида бундай дейилган: «Лавҳалар, эълонлар, нархнома-лар ва бошқа кўргазмалар ҳамда озғак ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон қилинади ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкин».

Кино, телевидение, радио, матбуот нашрлари тилнинг асосий тарғиботчилари саналади. Бинобарин, суҳандонлар, бошловчилар, режиссёрлар, актёрлар ва бошқа тегишли соҳа вакиллари ўзбек тилига ҳурмат билан ёндошишлари, адабий тил меъёрларига риоя этишлари шарт.

Бу фикрларимиз хусусий каналлардаги айрим радио ва телебошловчиларга ҳам тааллуқли. Албатта, жонли эфирнинг машаққатли томонларини тушунса бўлади. Аммо тилимизда ҳар бир сўзнинг ўз ўрни, ўз мазмун-моҳияти бор. Аслида сўз айта билиш, тилнинг ички имкониятларидан оқилона фойдалана олиш ҳам санъат. Ана шу масъулиятни чуқур ҳис эта олмаган, нотўғриликнинг қонун-қоидалари, тил қурилиши, адабий тил меъёрларидан беҳабар киши микрофонга яқин келмагани маъқул.

Кези келганда яна бир мулоҳазани айтиб ўтайлик. Баъзи ҳолларда матбуот нашрларида ҳам тил меъёрлари бузилаётган, айрим атамаларнинг ўзбекча шакли мавжуд бўлгани ҳолда бошқа тиллардаги муқобилдан фойдаланилаётган ҳолатлар учрамоқда. Марокеш, Алжир, Йемен, Кувейт, Сирия, Израил, Катар, Баҳрайн сингари жўғрофий атамалар ўзбек тилида Марокеш, Жазоир, Яман, Кувейт, Сурия, Исроил, Катар, Баҳрайн тарзида ёзилиши ва айтилиши баъзи ҳамкасбларимизга эслатиб қўйиш жоиз кўринади.

Ўзбек тили фасоҳати, қамрови, имкониятлари, бойлиги жиҳатидан дунёдаги ҳар қандай тил билан беллаша олади. Айрим тилларда биргина сўз билан ифодалаш мумкин бўлган сўзларнинг ўзбек тилида тўрт, беш ва ундан кўп маънодошларини топиш мумкин.

Ўзбек тили халқимизнинг энг азиз ва бемисл бойлигидир. Уни асраб-авайламоғимиз, кўз қорачигидек асрамоғимиз, келгуси авлодларга тўлалигича, бутун гўзаллиги билан етказмоғимиз ҳам фарз, ҳам қарз. Бу йўлда бизга «Давлат тили ҳақида»ги қонун дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Рустам ЖАББОРОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Мирзо Улуғбек информатика касб-хунар коллежида ахборот-коммуникация технологиялари борасидаги замонавий билим-қўникмаларини мустақамлаган 70 га яқин ҳудудий журналистларга сертификат топшириш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ОАВнинг бугунги кундаги фаолияти, мамлакат миллий медиатармоғи тараққиёти ушбу соҳада амалга оширилаётган либераллаштириш жараёни ривожланишининг янги босқичига қадам қўйганидан далолат бермоқда. ОАВ ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида яратилган муҳим қонуний-ҳуқуқий асос ахборот тармоғининг тез суръатларда изчиллик билан ривожланишига хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда 1000 дан ортиқ ОАВ фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг аксарият қисми фуқаролик жамияти барпо этишининг муҳим асоси бўлган нодавлат ва хусусий ОАВдан иборат. Бу эса, ўз навбатида, янги жамиятда «тўртинчи ҳокимият» вакиллари ўрни тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

ОАВ олдига турган долзарб вазифалар ижросини таъминлаш жараёнида, шубҳасиз, соҳа фаолиятини янада такомиллаштириш, хусусан, уларнинг моддий-техник негизини мустақамлаш, ходимларнинг моддий ва маънавий рағбатлантириш ишларини кучайтириш чоратадбирларини изчил амалга ошириш муҳим. Мазкур жараёнда айниқса ОАВнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш, Интернет-порталлар тармоғини кенгайтириш, жаҳон ахборот маконида юз бераётган янги тенденцияларни инобатга олган ҳолда юқори малакали журналистлар ва техник ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида «ҳудудий тахририятлардаги журналистларнинг компьютер саводхонлигини ошириш» лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур лойиҳани амалиётга таътиқ этиш борасида Германия техник ҳамкорлик жамиятининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси «Меҳнат бозори талабларига йўналтирилган ахборот-коммуникацион технологиялар соҳасида касбий таълим Ўзбек-Германия ҳамкорлик» лойиҳаси билан англашув баённомаси имзоланди.

Лойиҳадан қўзланган асосий мақсад ҳудудий тахририятлар ижодий ва техник ходимларнинг компьютерда ишлаш, интернет-ресурслари электрон почтадан фойдаланиш, Интернет воситасида материал тайёрлашда ахборот излаш ва айирбошланиш кенгайтириш борасидаги билим-қўникмаларини ошириш, ҳудудий босма оммавий ахборот воситалари тахририятлари ва марказий медиатаъзимлар ўртасида ахборот алмашиш жараёнини кенгайтириш ва мустақамлашга қаратилган.

Курс тингловчиларнинг тақдим этилган материаллар қандай ўзлаштирилганини синдован ўтказиш мақсадида ягона баҳолаш мезони асосида имтиҳонлар ўтказилиб, сертификатлар топширилди.

Ақбар ЖИЯНОВ,
«Туркистон пресс»

МУСИҚАЛИ ФАЛСАФИЙ ЭРТАК

Ўзбекистон Давлат консерваториясининг катта залида «Диалог» деб номланган фалсафий муқиқали эртанин тақдимот маросими бўлиб ўтди.

— Ушбу муқиқали эртанин негизиде чуқур фалсафий маъно муҳассам бўлиб, унда ҳаёт, севги, дўстлик, меҳр ва оқибат ғоялари илгари сурилган, — дейди Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Ҳабибулла Раҳимов. — 14 қисмдан иборат бўлган эртанин «Булоқ», «Урашув» деб номланган қисмлари айниқса томошабинда катта таассурот қолдиради. Тўлқин Нурмухаммад қаламига мансуб мазкур асарга бастакор Муҳаммад Отажонов куй басталади ва «Сўғдиёна» Ўзбек Давлат миллий чолгу камер оркестри ижросида томошабинлар ҳукмига ҳавола қилинди. Спектаклда ролларни Ёш томошабинлар театри актёрлари ва Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий рақс мактаби раққосалари ижро этдилар.

МУМТОЗ НАВОЛАР

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасида бўлиб ўтган давра суҳбати «Ўзбек муқиқасининг мумтоз наволари» деб номланди.

Тадбирда бастакорлар, шоирлар ва қўшиқчилар иштирок этдилар.

— Ўзбек мумтоз муқиқа санъатининг доғруғи бугунги кунда қўлаб мамлакатларнинг санъат ихлосмандлари юракларига сингиб, ўзгача меҳр-муҳаббат қозониб бормоқда, — дейди Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раҳбари Рустам Абдуллаев. — Аммо бугунги кунда баъзи бир ёш хонандалар томонидан ўзгача куй басталаниб, чала-ярим ҳолда қўшиқ қилиб айтилаётгани ачинарли ҳолдир. Ўзбек мумтоз қўшиқларининг салмоғини, сеҳрини ва мазмунини янги англамай туриб уни турли авжларга солиб айтиш сира мумкин эмас. Буни муқиқа маданиятининг оғриқли нуқталари деб аташ мумкин. Дунё сахналаридан туриб қўйланаётган, эъзоз ва қадр топаётган умри боқий қўшиқларимизни асраб-авайлаш ҳар бир санъаткорнинг бурчидир. Телевизор ва радио орқали янграётган муқиқаси бетайин, сўзлари тутуриқсиз қўшиқларнинг ёшларимиз дини сийқалаштириши турган гап. Биз бастакорлар, муқиқа жонкуярлари ва мутасаддилари бу каби ҳолатларнинг олдини олишимиз лозим.

Шунингдек, давра суҳбатида Ўзбекистон Давлат консерваториясининг талабалари ҳам иштирок этиб ўзларининг қизиқарли фикр-мулоҳазалари ва тақлифларини билдиришди.

(Ўз муҳбиримиз)

Санъат

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КОНЦЕРТ ДАСТУРИ

Шахримиздаги 23-муқиқа санъат мактабиде бўлиб ўтган тадбир «Истиқлолим — истиқболим» деб номланди.

Тадбирда мазкур мактаб директори Олим Муҳиддинов ўқув йили бошидан бери мактабда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларнинг натижалари, ўқувчилар ва ўқитувчилар ҳамкорлигида тайёрланаётган концерт дастурларининг савияси, ўқувчилар истеъдодини шакллантириш борасида амалга оширилаётган тадбирлар, иқтидор эгаларини рағбатлантириш масалалар хусусида тўхталиб ўтди.

Тадбир сўнгиде мактаб жамоаси томонидан ижро этилган «Истиқлолим — истиқболим» деб номланган концерт дастури барчага манзур бўлди.

ЮРТ ВАСФИ

Шу номдаги концерт Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтиде бўлиб ўтди.

Концерт дастуридан ўрин олган институтнинг фольклор гуруҳи дастаси, рақс ва мақом йўналишида ижод этаётган ёшларнинг дилрабо куйқўшиқлари, дилбар рақслари барча йиғилганларни хушнуд этди.

— Мазкур концерт дастури шахримизнинг йигирма икки асрилик юбилейи муносабати билан уюштирилди, — дейди институтнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори Абдухалил Маврулов. — «Тошкентим», «Шаҳрим кўрки», «Юртим васфи» деб номланган қўшиқларнинг талабалар ижросида маромига етказилиб ижро этилиши барчамизни қувонтирди. Бу қўшиқлар негизиде юртга муҳаббат, Ватанга садоқат тушунчалари мужассам бўлиб, у ёшларнинг қомил инсонлар бўлиб етишишида алоҳида аҳамият касб этади.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Қонун устуворлиги тамойилини ҳаётга таътиқ этишда фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ҳамда аҳолига кўрсатилаётган юридик ёрдам сифати муҳим аҳамият касб этади. Бу эса, ўз навбатида, адвокатлар зиммасига катта масъулият юклайди. Мамлакатимизда ушбу касб соҳибларининг ўрни ва мавқеини янада юксалтиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ана шу мақсадга — фуқароларнинг қонуний манфаатларини изчил ҳимоялашга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг 2008 йил 1 майда қабул қилинган

«Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

— Мазкур фармон суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларнинг тергов ва суд ишини юришнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустақамлайидиган конституциявий нормани амалга ошириш учун янада кенг йўл очди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси расиси Тошпўлат Сайидов. — Зеро, кучли мустақил адвокатура тизими — инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмирандандир. Соҳада амалга оширилаётган түб ислохотлар тизимнинг яхлитлигини таъминлаб, соҳа ходимларининг касб этиқаси қоидаларига риоя этишини назорат қилиш механизминини мустақамлади.

Адвокатнинг процессуал мақомини кенгайтиришга

қаратилган қонунчиликнинг янада такомиллаштирилгани жиноят процессида айблов

қилишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Чунки шу пайтгача

Фармон ва ижро

ЮРИДИК ЁРДАМ СИФАТИ ЯНАДА ЯХШИЛАНМОҚДА

ва ҳимоя тарафларининг процессуал ҳуқуқлари тенглигини таъминламоқда. Президентимиз томонидан 2008 йил 31 декабрда имзоланган ва шу йил бошидан кучга кирган «Адвокатура институтини такомиллаштиришнинг муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун бунга пухта замин яратди.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида номи келтирилган фармонида ҳуқуқшунослик соҳасида махсус билимга эга бўлмаган шахсларнинг суд ишида иштирок этишига йўл қўйилмасликка қаратилган тарафлар вакиллик институтини босқичма-босқич такомиллаштириш адвокатура институтини янада ислоҳ

қилишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Чунки шу пайтгача

қилишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Чунки шу пайтгача

қилишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Чунки шу пайтгача

қилишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Чунки шу пайтгача

ЎЗА муҳбири

Пойтахтимизда ATP — Професионал теннисчилар уюшмаси тақвимидagi «Tashkent Challenger-2009» мусобақаси ниҳоясига етди. Унда миллий жамоамиз сардори Денис Истомин финалда беллашган бўлса, жуфтликда Мурод Иноятлов билан шоҳсупанинг юқори поғонасини забт этди.

Мазкур турнирда 20 га яқин давлат вакиллари — тажриба ва маҳорат орттириш ниятида ташриф буюрган истеъдодли ёш теннисчилар ҳам жаҳоннинг биринчи юзликдан жой олган Тайпей, Ўзбекистон, Кипр ва Бельгия мамлакатлари спортчилари қатнашди.

Мусобақада юртимиз шарафини Денис Истомин муносиб ҳимоя қилди. Мусобақада ҳамюртларимиз кучли сифатида ATP таснифига 76-поғонани эгаллаб турган тайпейлик Ен-Сун Лу дан кейин иккинчи бўлиб сараланди. Турнир бошида Истомин жаҳонда 89-кучли ракетка ҳисобланган, кипрлик Маркос Багдатис 90, бельгиялик Кристофи Рокус эса — 93-поғонани эгаллаб турарди. Биринчи ва тўртинчи бўлиб сараланган Ен-Сун Лу ва Кристофи Рокуснинг чорак ва ярим финалга қадар ракеткаларини гипоплашига тўғри келди. Ўзбекистон ва Кипр вакиллари эса куч бобида деярли тенг ўйинчиларга бас келиб, ниҳоят финалда учрашди. Бу дегани турнирнинг якуний босқичининг уч сет давом эттишига ҳеч қандай шубҳа қилмаган эди — Истомин ва Багдатис бир-бирига қарши мурасасиз баҳс юритишди.

Эслатиб ўтамиз, бу иккала ўйинчи ҳам Катта Дубулга тақвимидagi тўртта мусобақа қатнашчиси бўлиб, 2003 йилда Багдатис ўсмирлар ўрта-сида «Австралиан орен» турнири қолиби бўлган. 2006 йилда Австралия очик чемпионати финалида Марат Сафин билан учрашган. Ушанда у ATP рейтингда биринчи ўликка кириб, саккинчи ўринни эгаллаган. Жорий йилда эса Сант-Реми ва Ванкувер чөлленжерларида галаба қозонган Ўзбекистонга, ўйинчининг галига қараганда, энг яхши ютуғини яна бир бор тасдиқлаш мақсадида ташриф буюрган. Дарҳақиқат, «Tashkent Challenger-2009» натижалари Багдатиснинг ўз мақсадига эришганидан далolat бераётди: кипрлик теннисчи Тошкент мусобақасида қолиблики қўлга киритиб, 110 очко тўплашга муваффақ бўлди.

Денис Истомин учун ҳам бу йил унинг теннис фаолиятида энг яхши мавсум бўлиб қолади. Утган йилни 280-ўринда бошлаб, Самарқанд чөлленжерларида ярим финалга чиқди. Бухоро ва Қарши шаҳарларидаги ATP мусобақаларида қолиб бўлди ва ярим йил ичида бир оз эллитиликдан ўрин эгаллади, бироз ўтган эса 107-поғонага чиқшига эришди. Жорий йилда бир қатор нуфузли турнирларда муваффақиятли қатнашди. АҚШ очик чемпионатида иккита даврдан ўтиб, биринчи юзликдан ўрин олди. Шу йил июль ойида унинг рейтинги 57-бўлиб

қайд этилди.

Тошкентда бўлиб ўтган мусобақада ҳам Денис авваломбор яхши ўйин кўрсатиб, ўз ҳамюртлари ишончини оқлашга ҳаракат қилди ва бунинг улдасидан деярли чиқди десак, мусобақага бўлмади. Финал баҳсида у қанчалик мураккаб рақибга дуч келганини яхши англаган ҳолда, бор имкониятларини ишга солиб, иккинчи сетда Багдатисни осонликча (6:1) мағлуб этди. Аммо кейинги сетда кипрлик ўйинчи охири-оқибат Истоминни ортга чекинишга мажбур этди (6/3 1/6 6/3).

Бу ерда мен бир ҳафта мобайнида бирон-бир давлатда учратмаган меҳмоннавоз, очиксўнгил ва саховатпеша инсонлар даврасида бўлганимдан бениҳоя хурсандман ва ўзбек халқига чексиз миннатдорчилигини билдириб қоламан. Сизнинг аънаналарингиз менга жуда ёқди. Айниқса меҳмонларга ва қолибларга миллий зарчопон тақдим этилиши мени ҳайратда қолдирди. Англашимча, бу — мамлакатингизга ташриф буюрганларга, ҳаттоки мен каби бош совринни олиб кетаётган ўйинчиларга ҳам алоҳида ҳурмат белгисидир. Менинг мақса-

лики қўлга киритди. Ўзбекистонлик дует учун бундай ютуқ биринчиси эмас. Денис ва Мурод кетма-кет Осие чемпионатлари қолиби бўлган. 2005 йилда эса Истомин яқалиқда ҳам юқори поғонани эгаллаган ва ўша пайтдан бери Катта Дубулга турнирларида қатнашиб келмоқда.

Буларнинг бари мамлакатимизда ҳам професионал, ҳам оммавий теннис ривожланиб бораётганининг яна бир бор тасдиғидир. «Tashkent Challenger-2009» совриндорларини мукофотлаш маросимида Тошкент шаҳар ҳоқими айнан шу ҳақда сўз юритар экан, жумладан, бевосита мамлакат раҳбарининг раҳнамоллиги остида Ўзбекистон йирик теннис мусобақалари майдонига айланганини ва ўзбек ракетка усталари халқроқ мусобақаларда сезиларли ютуқларни қўлга киритаётганига алоҳида урғу бе-

«Tashkent Challenger-2009» турнири директори Шурунгам Утрапати. — Мазкур тадбирда 96 мамлакатдан ташриф буюрган 300 дан ортиқ делегатлар ИТФнинг 2011 йилгача янги директорлар кенгашини сайлади, Дэвис кубоги ва Федерация кубогини ўтказиш жараёнида жиддий ўзгаришлар киритиш лозимлигини тасдиқлади, бир қатор миллий федерациялар макomini ошириш масаласини маъқуллади, шунингдек, «Жаҳон тенниси тараққитига қўшган ҳиссаси учун» мукофотини соҳибларини маълум қилди. Ўзбекистон теннис федерацияси олиб бораётган сермазмун ва сермахсул фаолият барчамизга яхши аён, буни республикангизга қўп мартаба ташриф буюрган Халқаро теннис федерацияси президенти Риччи-Битти ҳам алоҳида қайд этган. Мамлакатингизда бир қатор халқаро ўсмирлар мусобақалари, қўллар фючерс ва чөлленжер турнирлари, аёллар ўртасида WTA Тошкент очик чемпионати ўтказиб келинмоқда. Аёллар ва эркеклар миллий терма жамоалари жаҳон чемпионатларида муваффақиятли иштирок этишмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Дэвис кубогига жаҳон гуруҳидан ўрин олишга муваффақ бўлди. Ўзбекистон терма жамоаси 131 та мамлакат орасида 23-ўринни эгаллаб турибди. Осие қитъасида эса Хиндистон ва Жанубий Кореядан сўнг учинчи ўринни банд этган. Ўзбекистон Осиеда теннисни ривожлантириш бора-сида жуда катта ҳажмдаги ишларни бажарди. ИТФнинг вице-президенти Анил Ханна ва Хуан Маргитс конгрессда буларни эътироф этган ҳолда, Ўзбекистоннинг Осие теннис федерациясининг энг обрўли аъзоларидан бири, Марказий Осие ҳудудида ҳақиқий теннис етакчиси эканлигини таъкидлаб, бу борада давлат раҳбарининг бевосита теннисни қўллаб-қувватлаб келаётганини ҳам конгресс давомида бир неча бор қайд этишди. Натижада Халқаро теннис федерациясининг Мадрид конгресси делегатлари бир овоздан Ўзбекистоннинг овоз бериш ҳуқуқини учтадан бештага оширишга қарор қилишди. Хамдўстлик давлатлари учун бу катта натижа: фақатгина Россиягина тўққизта овозга эга, қолганлар — биттадан унчагача. Ўзбекистон теннис федерациясига «Жаҳон тенниси тараққитига қўшган ҳиссаси учун» мукофотининг топширилиши мустақил давлатининг дунё теннис оиласидаги муносиб ўрнини кўрсатиб берди.

«Tashkent Challenger-2009» турнири Ўзбекистонда теннис мавсумига ҳам яқун ясади. Бирок бошқа давлатлар каби, ҳамюртларимиз учун бу йилги мусобақалар ҳали тугагани йўқ. Хусусан, эркеклар ва аёллар миллий терма жамоаларимиз етакчилари жаҳон қорларига бахсларини давом эттириб, мамлакатимиз шарафини халқаро майдонда ҳам муносиб ҳимоя қиладилар.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

«Tashkent Challenger — 2009» ТЕННИСЧИЛАРИМИЗНИНГ ЮКСАК МАҲОРАТИ НАМОЙИШИ



— Денис жаҳонда мендан битта поғона юқори турганда ва ким билан беллашишга тўғри келаётганини мен ҳам яхши билар эдим, — деди финал ўйинидан сўнг Маркос Багдатис. — Ўзбекистонда теннис хали ёш спорт тури ҳисобланади. Шунга қарамадан, ўта шиддатли, маҳоратли теннисчиларингиз борлигиндан фахрланганга арзийди. Истоминнинг салоҳияти кенг. Бу сафар омад менга қулиб қолган бўлса-да, Истомин мен учун доимо кучли ва жиддий рақиб бўлиб қолаверадим... Мамлакатингизга мен биринчи бор келган эмасман. Олти йил аввал Бухоро чөлленжериде катнашганман. Тошкент эса мени мафтун этди. Илик об-ҳаво теннисчилар учун энг қулай ҳисобланади.

дим — албатта, биринчи ўликдаги кучли теннисчилар қаторидан ўрин олиш. Шунингдек, сизнинг меҳмондуст мамлакатингизга ташриф буюриб, ўзимни яна бир бор фахрий меҳмон сифатида ҳис этишни истардим... Хамюртимиз Денис Истомин учун энг йирик чөлленжер турнирининг финалиси бўлиш ҳам яхши натижа, яъни Денис шу ҳафта ўтказилган «Кремль Кубоги»нинг асосий мусобақасида иштирок этишига ва, ишонч қоламизки, биринчи эллитиликдан ўрин эгаллашга асос бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, юқорида айтиб ўтилганидек, Тошкент чөлленжерининг жуфтлик мусобақасида Денис сафардоши Мурод Иноятлов билан қолиб-

риб ўтди. ATP турнирлари бугунги кунда 40 дан зиёд мамлакатда ўтказилади. Ўзбекистонда Професионал теннисчилар уюшмаси шафелигида ҳар йили еттига мусобақа — Андижон ва Наманганда фючерслар, Фаргона, Самарқанд, Бухоро, Қарши ва Тошкентда — чөлленжерлар ташкил этиб келинади. Бу йили иккинчи марта бўлиб ўтган «Tashkent Challenger» ҳам мамлакатимизнинг бундай нуфузли турнирлари ташкил этиш бобидаги салоҳиятини яна бир бор намоийш этди. — Ўзбекистоннинг теннис ривожиде эришган ютуқлари бу йил Мадридда бўлиб ўтган Халқаро теннис федерациясининг конгрессиде ҳам юқори баҳоланди, — таъкидлаб ўтди

Қарор ва ижро

ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШ УЧУН ЗАМИН

Бугунги кунда иқтисодий инқироз ҳар бир мамлакат молия-иқтисод тизимига ўз таъсирини ўтказиб қолган сир эмас. Шулардан келиб чиқиб, ҳукуматимиз томонидан ушбу инқирознинг таъсирини камайтириш мақсадида қатор дастур ва чора-тадбирлар белгиланаётганлиги айна мурда бўлмоқда.

Мамлакатимиз Президентининг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва Вазирилар Маҳкамасининг 2009 йил 20 августдаги «2009-2010 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш ҳамда маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари иш-

лаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳам айнан шу мақсадларга қаратилган. Албатта, уларнинг ижросини таъминлаш, амалиётга кенг жорий этиш нафақат жойлардаги ҳоқимликларга, балки давлат солиқ идоралари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. — Чунки ушбу қарорлар ижросини таъминлашни йўлга қўётган ишлаб чиқарувчиларга ниҳоятда катта имтиёзлар яратил-

ган, — дейди Яққасарой туман Давлат солиқ инспекцияси инспектори Шоҳида Исмоилова. — Хусусан, ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга иxtисослашган корхоналарга ягона солиқ жорий этиш, уларни йўл жамғармаси учун ажратилган мажбурий тўловлардан озод этиш сингари қатор имтиёзлар мавжуд бўлиб, тежалган маблағларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтириш белгиланган. Бу

эса тадбиркорларга ниҳоятда улкан имконият бўлиб, келгусида ўз ишлаб чиқаришларини техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш учун замин ҳозирлайди. Айни пайтда ҳудудимиздаги «Алтикс» МЧЖ, «Таштиб-тех» қўшма корхонаси, «Хисор-текстил» чет эл корхоналари ушбу яратилган имтиёзлардан умумий фойдаланишмоқда. Жами бўлиб 10 та ишлаб чиқариш корхонасининг ўтган давр мобайнида мазкур имтиёзлардан фойдаланиши натижасида 68591,0 минг сўм маблағни тежалашга муваффақ бўлишди. Бугунги кунда бундай турдаги корхоналар сонини кўпайтириш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Шу билан бирга, қайд этилган қарорларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида ишлаб чиқарувчилар билан доимий равишда учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб боришмоқда. Асосий мақсад эса ички бозоримизни импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар билан тўлдиришдан иборатдир. (Ўз муҳбиримиз)

ТИЛГА ҲУРМАТ — ЭЛГА ҲУРМАТ

Тошкент педагогика коллежида «Тилга эҳтиром — элга эҳтиром» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Унда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчилари, шoir, ёзувчилар ҳамда коллеж ўқувчилари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар тилнинг маънавий-маърифий ҳамда ижтимоий вазифаларини хусусида гапириб миллиятнинг ўзалигини намоян этишдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида тўхтади.

Ўз тилига эга бўлган миллат, давлат — мустақил ва озод. Ўзбек тили — давлат тили макomini олганига йигирма йил бўлди. Демакки, йигирма йилдан бери истиклол шабадаларидан баҳра олаётимиз.

— Ҳозирда кўп ёшларимиз она тилимизни бўзиб гапиришадим. Эшитиб эсангиз қотади. Ахир қанақа гўзал тилимиз бор, — дейди коллеж ўқувчиси Одина Рустамова. — Олдимизда масъулиятли вазифа турибди, буни ҳис қилишимиз керак. Ўзбек тилини тилимизга ёт турли жargon сўзлардан асрашимиз, келажак авлодга бор жозибаси билан етказишимиз лозим.

Учрашувда кўчада осиб қўйилган реклама роликлариде, дўкон пештахталариде русча, инглизча сўзлардан фойдаланиш, йиғилиш ва махлисчиларни рус тилида ўтказиш каби салбий ҳолатлар ҳозирда кўп учраётгани, бунинг олдини олиш ҳамда тузатиш кабилар тўғрисида ҳам айтиб ўтилди.

Тадбир давомиде йиғилганлар эътиборига коллеж ўқувчилари томонидан тайёрланган бадий — мусиқали дастур ҳавола қилинди. Унда ўзбек тилимизга бағишланган гўзал шеърлар ўқилиб, она тилимизга нафислиги акс этган қўшиқлар ижро этилди.

Раҳнона ТОШПҮЛАТОВА, «Туркистон-пресс»

Кўп гувоҳи бўламиз, айрим ҳамюртларимиз электр таъминоти хизматидан беармон фойдаланишадим-ю, тўловга келганда виждонни унуттишадим. Улар биргина электр чирогини ёритишга сарфланадиган энергияни етказиб бериш учун давлат томонидан қанча маблағ сарфлашини хаёлларига ҳам келтиришмайдим. Энг ачинарлиси, бундайларга тўловларни ундиришга масъул шахслар ҳам баъзан кўмақдос бўлиб қолмоқда. Бугун биз баён қиладиган жиноятнинг ҳам моҳияти шунга яқин.

Андрей Семенов кўп йиллар электр таъминоти соҳасида ишлаб, шу соҳанинг устасига айланганлардан бири. Бирок ўз иктидоридан ноқонуний даромад топиш йўлида фойдаланган одамни қандай уста дейиш мумкин?

Бир неча йилдан буён «Электрон ҳисоблагич» қўшма корхонасида мутахассис бўлиб ишлаб келаятган А.Семеновнинг иктидори эътиборга олинб, таъмирлаш хизмати бўлимига бригадир этиб тайинланади. Унинг вазифаси икки ва уч фазали электр ҳисоблагичларни таъмирлаш, мослаштириш каби масъулиятли ишлардан иборат бўлган. Одатдаги иш қула-рининг бирида, унга эски таниши «Бухоро электр тармоқлари» ОАЖ ходими Ла-

Энергоресурслар, хусусан, электр энергиясидан мақсадли ва тежаб-тежаб фойдаланиш ҳар бир фуқаро зиммасидаги бурч саналади. Зеро, электр энергиясининг мамлакат иқтисодиётида, халқ ҳўжалигида тугган стратегик аҳамиятининг нечоғли катта эканлиги сир эмас. Қолаверса, турмушимизни фаровон, хонадонларимизни чароғон қилувчи электр энергиясидан фойдаланганлик учун тўловларни вақтида тўлаб бориш барчамизнинг мажбуриятимиздир.

риси Ким галати таклиф билан келди-ю, унинг жиноий фаолияти бошланди. Маълумки, юртимизда электр энергияси таъминоти

Ҳуқм ўқилди «ИХТИРО»СИ ФОШ БЎЛДИ

тини такомиллаштириш, электр сарфини аниқлаш ва тўловларни ундиришни йўлга қўйиш мақсадида электрон ҳисоблагичлар жорий қилинди. Эндиликда бундай қўрилмалар ҳар икки томон — истеъмолчи ва таъминотчи учун ҳам қулайликлар яратмоқда. Олиб борилаётган ислохотлар келажакда бу соҳани ҳам янада ривожлантиришни кўзда тутди. Лариса Ким Андрей Семеновнинг айнан электрон

ҳисоблагичлар бўйича муталхассислигини билгани боис, ундан шундай ҳисоблагич ичига «ўғри» жойлаштириб беришни сўрайди. Яъни,

фини камайтириб кўрсатади. Унинг бу «ихтиро»сидан хабар тогган таниш-билишлар буюртма билан кела бошладилар. Жумладан, ҳамкасби А.Зиннатулаев, Ф.Икромов, Н.Пўлатовлар ҳам унга шундай ҳисоблагичдан буюртма беришадим. А.Семеновга асосан электр таъминоти соҳаси вакиллари ва хусусий тадбиркорлар шундай буюртма билан келишган. Ҳар бир «ишлов берилган» ҳисоблагич эвазига 200 минг сўмдан санаб олаётган. А.Семенов агар ҳуқуқ-тартибот органи ҳодимлари томонидан вақтида тўхтатиб қолинмаганда бу ишга боши билан шўнғиб кетар эди. Дастлабки ва суд тергов жарёнида А.Семеновнинг қилмишлари фош этилиб, жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг ҳукми билан тегишли жазосини олди. Икром НАРИМОВ, Тошкент транспорт прокурорининг ўринбосари

ТОШКЕНТ БЎЙЛАБ САЁҲАТ

14-20 октябрь кунлари бир гуруҳ қишлоқ ёшлари пойтахтга саёҳат қилди.

«Қишлоқ тараққити ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур саёҳатда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан 210 нафар ёшлар иштирок этди.

Улар мамлакатимизнинг иқтисодий, маданий ва илмий маркази ҳисобланган Тошкент шаҳрида истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди. Хусусан, мустақиллик йилларида барпо этилган ва қайта тикланган, қадимий ва замонавий меъморчилик аънаналарини уйғунлаштирган, қадамжолари, тарихий обидалари, истироҳат боғлари, маданий гўшалари ҳамда илм масканларига ташриф буюришди.

Мустақиллик майдони, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи, Ҳазрати Имом мажмуаси, Ёшлар ижод саройи, Санъат музейи, Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлган ёшларда бу ердаги ўзгаришлар, яратилган шарт-шароитлар катта таассурот қолдирди.

— Ҳар бир иншоотда тарихимиз кўзга ташланади, — дейди жаззахлик К.Жумаева. — Бир-биридан кўркам илм масканлари, қадамжоларининг ўз-ўзидан бўлмаганлиги ва бунда мустақилликимизнинг кенг имкониятларидан тўлақонли фойдаланилганлиги ҳам эътиборга молиқдир.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, «Туркистон-пресс»

Санъат

ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон халқ шoirи, драматург ва публицист Ҳамид Олимжон таваллуд тогганига 100 йил тўлди. Ушбу санани муносиб нишонлаш бўйича Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси тадбирлар режасини ишлаб чиқди.

Юбилей кунларида «Барҳаёт сиймо» деб номланган ҳужжатли-публицистик фильм экранларга чиқарилади. Таниқли адабиётшунос олим, профессор Наим Каримов сценарийси асосида суратта олинган ушбу картинада шoir ҳаёти ва ижодида оид лавҳалар ўз тасвирини топди.

УЙ-МУЗЕЙИДА КЎРГАЗМА

Табиат куйчиси деб ном олган халқ россмо Урол Тансиқбоев уй-музейида катта экспозиция ташкил этилди. Ушбу тадбир атоқли мўйқалам устаси таваллудининг 105 йиллигига бағишлаб амалга оширилди.

Кўргазмада ижодкорнинг ўлкамизни мадҳ этувчи қатор картиналари ўрин олди. Шу сана муносабати билан таниқли россомлар билан учрашув, давра суҳбатлари ҳам уюштирилди.

Ақбар АЛИЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР, КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ!

«Махсустрас» ишлаб чиқариш бошқармаси қаттиқ маиший ва суюқ ҳолдаги чиқиндиларни аҳоли, ташкилот ва корхоналардан олиб чиқиб кетиш тарифи 2009 йил 1 ноябрдан ошганлиги ва қуйидаги суммани ташкил қилишини маълум қилади:

- 1. Маиший чиқиндиларни олиб кетиш — жисмоний шахслардан: бир киши учун (яшаб турган манзилда қайд этилган ёки этилмаганлигидан қатъи назар) бир ойга — 800 сўм.
2. Қаттиқ ҳолдаги чиқиндиларни тўплаш ва олиб кетиш: — бюджет корхона ва ташкилотлардан — 1 м3 учун 11198 сўм; — ҳўжалик ҳисобида корхона ва ташкилотлардан — 1 м3 учун 15961 сўм.
3. Суюқ ҳолдаги чиқиндиларни тўплаш ва олиб кетиш: — бюджет корхона ва ташкилотлардан 1 тоннага — 4318 сўм 50 тийин; — ҳўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлардан 1 тоннага — 4925 сўм.
4. Қаттиқ ва суюқ ҳолдаги чиқиндиларни тўплаш ва олиб кетиш: — бюджет корхона ва ташкилотлардан 1 машина-соат учун — 8808 сўм; — ҳўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлардан — 1 машина-соат учун 10044 сўм.

"Тил гўзаллик, тил бу маданият, тил бу жамият, тил бу ҳаёт" шiori остида ўтган форумда дунёнинг 60 мамлакатидан тилшунос олимлар, шоирлар ва лингвистлар иштирок этди. Илмий-амалий конференциялар, театрлаштирилган концерт чиқишлари ҳамда шеърят кечалари ташкил этилди.

Фестиваль доирасида Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонаси ҳамда "Германия — Ўзбекистон" дўстлик жамияти ташаббуси билан Бремен университети билан ҳамкорликда "Ўзбек тили ривожининг тарихи, босқичлари ва истикболлари" номли кеча бўлиб ўтди. Унда турли мамлакатлардан келган халқаро фестивал иштирокчилари, дипломатлар, профессор ва ўқитувчилар, Германия университетларида тахсил олаётган ўзбекистонлик талабалар қатнашди. Йилгиланлар ўзбек тилининг қадимги

Германиянинг Бремен университетиди ЮНЕСКО шафелигида, шунингдек, Европа Иттифоқининг минтақавий ривожланиш Фонди ва бошқа бир қатор маҳаллий ташкилотлар кўмагида халқаро «Тиллар фестивали» бўлиб ўтди.

ЎЗБЕК ТИЛИ ХАЛҚАРО ФОРУМДА

тарихи ва тараққий этишининг асосий босқичлари, унинг ривожига бебаҳо ҳисса қўшган Маҳмуд Қошғарий, Хоразмий, Навоий каби кўлаб олимларнинг ижоди ҳақидаги маълумотларга эга бўлдилар. Германиялик тинловчилар Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг амалга ошираётган она тилини ом-

малаштиришга қаратилган чора-тадбирлар билан танишдилар. Шу билан бирга таъкидландики, Ўзбекистонда бошқа тилларни ҳам ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Мактаб таълими етти тилда олиб борилмоқда, бу эса халқаро ташкилотлар, хусусан, Европада хафсизлик ва ҳам-

корлик ташкилоти томонидан юқори баҳоланмоқда.

Кечада сўзга чиққан Ўзбекистоннинг Бремендаги фахрий консули Л.Фоллерс, тарихида кечган мураккаб даврларга қарамасдан ўзбек халқи ўз она тилини сақлаб қола олди, дея таъкидлади.

— Шубҳасиз, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг миллий тил ривожига сифат жиҳатдан янги босқич бошланди, — деди Л.Фоллерс.

Ўзбекистонлик талабалар шунингдек кеча меҳмонларига буюк шоир Алишер Навоийнинг немис тилига таржима қилинган шеърларидан ўқиб беришди. Иштирокчиларда халқимизнинг миллий урф-одатлари ва анъаналари намойиши бўлган маданий дастур алоҳида таассурот қолдирди.

«Жаҳон» АА, Бремен



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

Сен ишонгил шу сўзимга,
бу замон аҳли сенга
Кўрқиб айлар илтифот ё матлаби
бор, эй шафиқ.

Кишига бахту омад ёр эмаса,
барчаси бекор,
Басе жаҳду жадал беҳудадир,
чун сув уза хошок.

Гар азалдандир кишига ризқи рўз,
Даҳр аро нафсини тийганлар гўзал.

Даҳр молин мунча жам этмоқ нечун?
Бир куни ташлаб кетарсен бемаҳал.

Бу жаҳон карвонсаройдир,
барча келгай бул тараф,
Кечкурун кўнган мусофир йўлга
тушгай эрталаб.

Сен тавозу қил, тавозу бирла
элнинг кўнглин ол —
Ким, буюқларни тавозу айлағай
соҳибжамол.

Неъмату мулқинга мағрур
бўлма ҳеч,
Мулқ фоний, неъматинг топгай
завол.

Аҳли сарварларни кўрдик нечаким,
Шукри мол этмақлари эрмиш маҳол.

Учрашаркан икки ёр, айрилгуси,
Айрилиқсиз бир висол мумкинмидир?

Мол бисотинг бўлмаса, йўқдир зиён,
Дўстларинг бўлсин вале
соҳибкўнгли.

Ваъданинг йўқса вафоси, хайри йўқ,
Сўз йироқ эрса амалдин, айтмагил.

Илми бўлса, лекин ақли бўлмаса,
Бу оёқсиз бир этиқдир, англагил.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Спорт янгиликлари



ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ — ЁШЛАР

Мамлакатимизда кейинги йилларда ўсиб келаётган ёшлар саломатлигини асраш, спортга қизиқишини ошириш мақсадида қатор мусобақалар, танлов ва тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилик ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати каби бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида маҳалла болалари ўртасида анъанавий тарзда уюштирилаётган «Футболимиз келажаги» мусобақалари ҳам фикримиз далили бўла олади. Ёзги таътил вақтида ўсмир-ёшлар вақтини мазмунли ўтказиш, спортга ошно этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида, тўртта босқичда ташкил этиладиган ушбу мусобақа йилдан-йилга ривожланиб ёшларнинг унга қизиқишлари ортиб бормоқда.

— Асосан май-июнь, июль, август-сентябрь ойларида бўлиб ўтадиган ушбу мусобақага бу йил 41.200 нафар ўсмир-ёшлар камраб олинди, — дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими бош мутахассиси Хайдарали Қора-



болаев. — Бугунги кунгача 468 та маҳаллада 11-12, 13-14, 15-16 ёшли ўсмир-ёшлардан иборат командалар ташкил этилиб улар «Футболимиз келажаги» мусобақаларида катта иштиёқ ва меҳр билан ўз маҳаллалари, туман ва шаҳримиз шарафини ҳимоя қилмоқдалар.

Яқинда «Футболимиз келажаги» мусобақасининг республика босқичи уюшқоқлик билан «Пахтакор» ўйингоҳида бўлиб ўтди. Унда пойтахт шарафини ҳимоя қилган Шайхонтоҳур туманидаги «Белтепа» ма-



ҳалласининг 13-14 ёшли болалар командаси республика чемпиони деган шарафга эга бўлишди.

Юксак маҳорат билан тўп суриб, шиддатли ўйинлари билан муҳлис-лар олқишига сазовор бўлган чемпионларга ташкилотчиларнинг диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: «Футболимиз келажаги» футбол мусобақасининг республика босқичидан лавҳалар.

БАРАКАЛЛА, ПОЛВОНЛАР

Украинанинг Алушта шаҳрида миллий қадриятларимизни ўзида акс эттирган кураш бўйича, ўтказилган VIII жаҳон чемпионати Ўзбекистон терма жамоасига муваффақият келтирди.

Курраи заминнинг 29 та давлатидан келган 179 нафар полвонлар совринли ўйинлар учун кураш олиб борган ушбу турнирда ҳамюртларимиз кураш ватани вакиллари эканликларини яна бир қарра барчага исботлаб қўйишди. Ушбу турнирда эркалар етти, аёллар саккиз вазн тоифасида ўзаро беллашди.

Эркалар баҳсларида ҳамюртларимиздан Шароф Холмама-тов, Шерали Жўраев ва Даврон Чориев ўз вазн тоифаларида энг кучли полвонлар эканликларини намойиш этишди ва олтин медаллари қўлга киритишди. Шунингдек, Сухроб Худойбердиев, Яё Имомовларга ўз вазн тоифаларида кумуш медаллар насиб этган бўлса, Шухрат Муродов учинчи ўринни эгаллаб бронза медали билан кифояланди. Қувонарлиси эркалар баҳсларида терма жамоамиз умумжамоа ҳисобида фахрли биринчи ўринни эгаллади. Эронликлар иккинчи, Россия вакиллари учинчи ўринлар билан кифояланди.

Аёллар беллашувида эса иккита олтин, учта бронза медалини қўлга киритган Мўғулистон терма жамоасига биринчи ўрин насиб этган бўлса, Россия ва Ўзбекистон вакиллари иккинчи, учинчи ўринларни эгаллашди.

Ушбу жаҳон чемпионати баҳ-

слари давомида илк мартаба терма жамоалар ўртасида жаҳон кубоги беллашуви ҳам ташкиллаштирилганлиги қувонарли ҳол. Ушбу турнирнинг эркалар мусобақаларида яна биринчи ўрин мамлакатимиз терма жамоаси аъзоларига насиб этган бўлса, Осиё кураш конфедерацияси иккинчи, Европа кураш конфедерацияси ҳамда Жанубий Африка Республикаси терма жамоалари учинчи ўрин билан кифояланди.

Хотин-қизлар ўртасидаги жаҳон кубоги беллашувида Осиё кураш конфедерацияси биринчи, Украина терма жамоаси иккинчи ўринлар эгасига айланган бўлса, мамлакатимиз вакиллари учинчи ўрин насиб этди.

ЭЪТИРОФ

Маълумки, 24 октябрь-16 ноябрь кунлари Нигерияда футбол бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

Қувонарлиси шундаки, 2008 йилда Осиё қитъаси ва мамлакатимизнинг «Энг яхши ҳаками» деб эътироф этилган Равшан Эрматов ўсмирлар ўртасида уюштирилаётган жаҳон чемпионати ўйинларини бошқарадиган бўлди. Яна бир ҳамюртимиз Рафъал Илёсов ушбу нуфузли турнирда қанот қаками сифатида иштирок этди.

Дарвоқе, Равшан Эрматов 2010 йилда Жанубий Африка Республикасида ўтказиладиган жаҳон чемпионати ўйинларини бошқариш учун номзод бўлган ҳакамларнинг тахминий рўйхатидан ҳам ўрин олган.

Биз кўп минг сонли муҳлис-лар номидан халқро учрашу-ларни бошқариш ҳуқуқига эга бўлган ҳамюртларимизга омад ёр бўлсин деймиш.

(Ўз мухбиримиз)

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛАДИ

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарда йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси мавжуд (тавсия қилинадиган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлиши шарт), юридик шахс мақомига эга бўлган ташувчилар иштирок этиши мумкин.

Тендерга қуйидаги йўналишлар қўйилади:

1.2009 йил 19 ноябрь

соат 10.00 да

№	Йўналиш рақами	Йўналиш номи	Ҳаракат таркиби тури
1	5И	«Дўстлик-2 мавзеси АШБ — Чилонзор буюм бозори АШБ»	Микроавтобус
2	17И	«Чилонзор буюм бозори АШБ-М.Юсуф кўчаси»	Микроавтобус
3	18И	«ТТЗ АШБ — Чилонзор буюм бозори АШБ»	Микроавтобус
4	47М	«Кўйлик М4 АШБ — Галабининг 40 йиллиги мавзеси»	Микроавтобус
5	74М	«Қорасув-1 даҳаси АШБ — Уйғур кўчаси АШБ»	Микроавтобус
6	81М	«Сергели-7 мавзеси АШБ — Чорсу савдо маркази АШБ»	Микроавтобус
7	85М	«Сергели супер улғуржи бозори — Ширин АШБ»	Микроавтобус
8	137А	«Изза мавзеси — С.Раҳимов метро бекати»	Автобус
9	138А	«Чилонзор 25-даҳаси АШБ — Чилонзор метро бекати»	Автобус
10	139А	«Спорт моллари дўкони — Чилонзор буюм бозори АШБ»	Автобус
11	152М	«Бешёғоч мавзеси — Авиасозлар АШБ»	Микроавтобус
12	162М	«Аэропорт АШБ — Авиасозлар АШБ»	Микроавтобус

Тендер ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги 11-сонли қарори асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилардан буюртманомаларни қабул қилиш ва тендер ҳужжатлари пакетини бериш тендер ўтказилишидан 5 кун олдин тугалланади.

Тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги ЧОАКБ Infin BANK»даги 20210000504197971001 х/р (банк коди 01041, ИНН 204094453, ХХТУТ 51600)га 118 минг 900 сўм ўтказилади.

Тендер таклифларини қабул қилиш тендер ўтказиладиган кундан бир кун олдин (соат 17.00да) тўхтатилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.

Маълумот учун телефон рақами: 233-89-58.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 180029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2811 нусxada босилди.
Қозғ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг компьютер маркасида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийт-матбос акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 3 4 5